

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ШАРТЛИ ҲУҚМ ҚИЛИНГАН  
МАҲҚУМЛАР БИЛАН ИШЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АСОСИЙ  
ЙУНАЛИШЛАРИ

Жуманиёзов Нодирбек Ғиёс ўғли

ИИВ Академияси 3-босқич 312-гуруҳ курсанти

**Аннотация:** Ушбу мақола орқали сиз, Профилактика инспекторининг шартли ҳуқм қилингандан маҳқумлар билан ишлаш фаолиятиниг мөхияти ва ўзига хос хусусиятлари, асосий йўналишлари, усул ва шакллари, хорижий давлатлар тажрибаси ва уларнинг таҳлили, ушбу фаолиятдаги муаммо ва камчиликлар хамда уларнинг ечимлари юзасидан таклифлар ёритилган.

**Калит сўзлар:** Профилактика инспектори, шартли ҳуқм, маҳқум, муаммо ва камчиликлар.

Республикамизда жиноятчилик кўпайб, жиноят содир этган шахслар сони тобора ортиб бормоқда. Жиноят содир этган шахсларга жазо тайинлаш ва судлар томонидан жиноятнинг ижтимоий хавфлийк даражаси, шахснинг ижтимоий ахволини инобатга олиб ЖКнинг 72-моддасига асосан шартли ҳуқм қилиниб уларни назорат қилиш ва қайта тарбиялаш Профилактика инспекторлари ва Ички ишлар органларининг олдига қўйилган асосий вазифалардан бири десак хато бўлмайди. Шуни инобатга олган холда шахслар томонидан жиноят содир этмаслигини олдини олиш мақсадида Профилактик тадбирларни амалга ошириш лозим.

**Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси ва унинг жойлардаги тизимларининг асосий вазифалари этиб қўйдагилар белгиланган:**

Хуқуқбузарликларнинг профилактикаси доир давлат, худудий, идоравий ҳамда идоралараро дастурларнинг бажарилишида бевосита иштирок этади;

Хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берайтган шарт-шароитларни аниқлайди, уларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

Файриижтимоий хулқ-атвортга эга, ҳуқуқбузарлик содир этган ёки ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини кўради;

«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 35-моддасида назарда тутилган шахсларни профилактик ҳисобга олишни амалга оширади;

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг қонунга хилоф равишда муомалада бўлишининг, уларни истеъмол

**JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH**  
**VOLUME-6, ISSUE-4 (30-APRIL)**

қилинишининг олдини олиш борасида профилактика тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари қонунга хилоф равища ишлаб чиқарилиши ҳамда ўтказилишининг олдини олиш бўйича профилактика тадбирларини ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

Паспорт-виза режимига, фуқаролар ва юридик шахслар томонидан ўқотар қуролни сақлаш қоидалари ҳамда тартибига риоя қилиниши устидан назоратни таъминлайди;

Хуқуқбузарликларнинг умумий профилактиkasини амалга ошириш мақсадида хуқуқбузарликларнинг олдини олиш, хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш юзасидан оммавий ахборот воситаларида чиқишлиар қиласди;

Ташкилотларда, муассасаларда ҳамда аҳоли ўртасида хуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирлари юзасидан йиғилишилар қиласди, семинарлар ва давра суҳбатлари ўтказади;

Хуқуқбузарликлар профилактиkasини ташкил этиш борасида мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан тақдимномалар тайёрлаб, ички ишлар органлари бошлиқларига тақдим этади;

Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган шахслар томонидан хуқуқбузарликлар содир этилиши сабабларини ҳамда унга имкон берган шарт-шароитларини аниқлайди, бартараф этиш бўйича маҳсус тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари хузурида ташкил этилган маҳсус комиссиялар билан ҳамкорликда жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш, шунингдек бу тоифадаги шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини ташкил этаётган ташкилотларни рағбатлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

Маҳсус профилактик тадбирларни ўтказиш борасидаги ҳужжатларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

Хуқуқбузарликлар профилактиkasига доир давлат, худудий, идоравий ҳамда идоралараро дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан юқори турувчи органлар ҳамда мувофиқлаштирувчи кенгашга таклиф ва тавсиялар киритади;

**Жойлардаги ички ишлар органлари томонидан ўтказилган профилактик тадбирлар юзасидан Йўриқноманинг 5 ва 11-иловаларига мувофиқ тақдим этилган маълумотларни умумлаштиради, таҳлил қиласди ҳамда умумлаштирилган маълумотларни ҳар чорак якунида хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясига тақдим этади;**

# JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH

## VOLUME-6, ISSUE-4 (30-APRIL)

Хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар, шунингдек ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари билан ўзаро ҳамкорлик қиласиди;

Шу каби устувор вазифалар белгиланган бўлиб, шу қатори жазони ижро этиш муассасаларидан қайтиб келган ва шартли хукм қилинган маҳкумларни назорат қилиш хам асосий вазифалар қаторига киради.

Қайд этилганларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 72-моддаси биринчи қисмига қуйидаги мазмундаги ўзгартиш киритиш мақсадга мувофиқ:

“Агар суд озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоларини тайинлаш вақтида” деган сўзлар “Агар суд озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, қамоқ, хизмат бўйича чеклаш, ахлоқ тузатиш ишлари ёки жарима жазоларини тайинлаш вақтида” деган сўзлар билан алмаштириш мақсадга мувофиқ.

Шартли равишда тайинланадиган жазолар рўйхатини кенгайтириш маҳкумга унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини жиддий чекламасдан ахлоқан тузалиш имконини беради, шу тариқа жазонинг мақсадларига, шу жумладан жиноятчиликнинг умумий ва маҳсус олдини олиш мақсадларига эришиш учун имконият яратади. Ўйлаймизки, қайд этилган таклифлар мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш йўналишидаги жиноят-ҳуқуқий сиёsat мақсадларига ҳам монанддир.

Учинчидан, шартли хукм қилишни жиноят қонунининг бошқа институтлари билан мувофиқлаштирган ҳолда унинг қўллаш асосларини кенгайтириш лозим.

Жиноят ҳуқуқи назарияси ва қонунни қўллаш амалиётида шартли ҳукмни қўллаш асослари юзасидан турли хил ёндашув ва амалиётлар мавжуд. Бунинг асосий сабабларидан бири жиноят қонунида белгиланган нормаларнинг ички номувофиқлигидир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ЖК 72-моддасида суд тегишли жазоларни тайинлаш вақтида содир этилган жиноятнинг хусусияти (1) ва ижтимоий хавфлилик даражаси (2), айборнинг шахси (3) ва ишдаги бошқа ҳолатларни (4) эътиборга олиб, айбор тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга келиши назарда тутилган.

ЖК 54-моддасида жазо тайинлашнинг умумий асослари белгиланган бўлиб, унда суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти (1) ва ижтимоий хавфлилик даражасини (2), қилмишнинг сабабини (3), етказилган зарарнинг хусусияти (4) ва миқдорини (5), айборнинг шахсини (6) ҳамда жазони енгиллаштирувчи (7) ва оғирлаштирувчи ҳолатларни (8) ҳисобга олади, белгиланган.

Демак, ЖК 72-моддасида белгиланган норма мазмунидан суд шартли хукм қилишда жазо тайинлашнинг умумий асослари назарда тутилган 54-моддада

**JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH**  
**VOLUME-6, ISSUE-4 (30-APRIL)**

белгиланган айрим ҳолатларни инобатга олади, айрим ҳолатларни эса, инобатга олмаса ҳам бўлишини назарда тутувчи тушунарсиз ва ўзаро номувофиқ нормалар мустаҳкамланган.

Юзага келган мазкур ҳолатни бартараф этиш мақсадида ЖК 54-моддаси ва 72-моддасида белгиланган талабларни ўзаро мувофиқлаштириш, бизнингча, ЖК 72-моддасининг биринчи қисмига қўйидаги келтирилган иккита таклифдан биттасини ўзгартиш сифатида киритиш мақсадга мувофиқ:

1) “содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфилик даражаси, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олиб,” деган сўзлар “содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфилик даражаси, қилмишнинг сабаби, етказилган заарнинг хусусияти ва миқдори, айбдорнинг шахси ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиб,” сўзлари билан алмаштиш”; ёки

2) “содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфилик даражаси, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олиб,” деган сўзлар “ушбу Кодекснинг 54-моддаси иккинчи қисмида белгиланган ҳолатларни ҳисобга олиб,” сўзлари билан алмаштириш” лозим деб ўйлаймиз.

*Тўртинчидан*, шартли ҳукм қилинган шахсларга белгиланган синов муддатини қисқартириш масаласи ҳам ЖКда очиқ қолдирилган. Ваҳоланки, ЖПКнинг 541-моддасида озодликдан маҳрум этишга шартли равишда ҳукм қилинганда синов муддатини қисқартириш, ҳукмнинг ижро этилиши кечиктирилган маҳкумни жазодан озод этиш тўғрисидаги масалалар шу маҳкумнинг истиқомат жойидаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди судьяси томонидан ҳал қилиниши ҳақидаги норма белгиланган. Жиноят қонунчилигида эса, шартли ҳукм қилинган шахсларга белгиланган синов муддатини қисқартириш имконият назарда тутилмаган. Бизнингча, қатъий ахлоқ тузалиш йўлига ўтган, жамият учун фойдали ишларни амалга ошираётган шахсларга нисбатан белгиланган синов муддатини қонуний мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ.

Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси ЖК 72-моддасига қўйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқ:

1) яъни, қўйидаги мазмундаги олтинчи қисм билан тўлдириш:

“Шартли ҳукм қилинган шахс устидан назорат олиб борувчи илтимосига биноан суд ҳукмда белгиланган синов муддатини қисқартириши мумкин. Синов муддатини қисқартириш тўғрисидаги илтимоснома тайинланган синов муддатининг камида ярми ўтгандан сўнг киритилиши мумкин.”;

2) агар мазкур қўшимча киритилса, ўз навбатида мазкур модданинг олтинчи-саккизинчи қисмлари еттинчи-тўққизинчи қисмлар деб ҳисобланиши назарда тутилади.

Юқорида қайд этилган таклифларнинг жиноят қонунига киритилиши, ўйлаймизки, жиноят қонунини либераллаштириш юзасидан амалга оширилаётган ислоҳотларни яна бир босқичга олиб чиқади.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. Абдурасурова К. Р.Аёллар жиноятчилиги вауларнинг олдини олиш муаммолари. Ўкув қўлланма / масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбоев. - т.: тдюи нашриёти, 2009. -161 бет.
2. Зиёдуллаев М. Милиция таянч пунктларининг жамоат тартибини саклаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошкариш: ўкув-методик қўлланма / масъул муҳаррир юрид. Фан. Доктори И. Исмаилов. – т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2008. – 92 б.
3. Исмаилов И. Жиноятчиликда уюшганлик: назария ва амалиёт муаммолари. – т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005. – 168 б.
4. Саиткулов К.А. Ички ишлар органлари профилактика хизматларининг фукаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини ташкил этиш: ўкув-амалий қўлланма / юридик фанлар доктори, проф. И. Исмаиловнинг таҳририда. – т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 123 б.
5. Хўжақулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш: Монография / Масъул муҳаррир ю.ф.д., доц. И.Ю. Фазилов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – 4 б.
6. Саидов А., Таджиханов У., Одилқориев Х. Давлат ва ҳуқуқ асослари: Дарслик. –Т.: Шарқ.–Б. 45.
7. Юридик энциклопедия/ юридик фанлар доктори, профессор У. Таджихановнинг умумий таҳририда.–Т.: “Шарқ”, 2001. –Б. 652.
8. Исмаилов И. Саиткулов Қ.А., Ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси чора-тадбирлари: Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Т.: 2015. Б–54-66.
9. Хўжақулов С.Б. “Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш (ички ишлар органлари мисолида) ”// док. дисс. афтроф// Т.: 2018.Б–20.
10. Антонян Ю.М. Криминология. Избранные лекции. – М.: «Логос»,2004. –122 с.
11. Криминология. Умумий қисм: Дарслик / И. Исмаилов, Қ.Р. Абдурасурова ва бошқалар. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015 й. Б–179.